



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Муҳаммад Султанов

Богдоднинг сўнги кунлари

Богдодга йўл

3-кисм

Мўгуллар тарихидаги энг йирик кенг камровли хужумни бошлашдан олдин, Хулаго мўгуллар тарихидаги энг мухим харбий кенгашни йигади. Ушбу кенгашда Ислом халифалиги пойтахти Богдодга хужумни бошлаш хакидаги қарор қабул қилинган. Хулаго мўгулларга келиб қўшилган мусулмон қўшинлари саркардаларидан хавотирда эди. Шу сабабли улар ортидан кузатув йўлга қўйилганди. Афсуски, Хулагонинг мусулмон саркардаларидан хавотири ноўрин бўлиб, улардан бирортаси мўгулларга қарши чиқишни хохламас эди. Аксинча, уларнинг барчаси мўгуллар билан биргаликда Богдодни олишга ёрдам беради. Ушбу сўнги харбий кенгаш Богдоддан 450 км узоқликда жойлашган Эроннинг Хамадон шаҳрида бўлиб ўтган. Ушбу кенгашда Хулаго ўз қўшинини 3 қисмга бўлишни эълон қилади:

– биринчи, яъни асосий қўшин бошқарувини Хулаго ўз қўлига олади. Бу қўшинга Олтин Ўрда хони Ботудан ва Арманистондан жўнатилган аскарлар келиб қўшилиши керак эди. Биринчи қўшиннинг асосий мақсади Форс ўлкасининг қарбий тоғларини Керманшоҳ шаҳри орқали қечиб ўтиб, Богдоднинг шарқий томонини қуршовга олиш бўлган;

– иккинчи, чап қанот бўлмиш қўшинни Хулагонинг энг қучли қўмондони Китбугу бошқарган. Ушбу қўшин ҳам бошқалардан алоҳида ажралиб Богдодга бошқа йўл орқали бориши керак эди. Қўшинни уч қисмга бўлишдан асосий мақсад мусулмонларнинг разведқасини алдаш бўлиб, улар мўгуллар қўшинининг аниқ сонини билиб қолмаслиги керак эди. Бундан ташқари, Богдодга олиб борадиган ҳеч бир йўлдан бундай улкан қўшинни бирданига олиб ўтиш имконияти бўлмаган. Иккинчи бўлим олдида турган асосий мақсад Богдодга жануб томондан келиш, уни жануб ва жануби-шарқ томондан қамал қилиш бўлган. Богдодга атига 450 км қолганига қарамай, Хулаго ўзининг улкан қўшинини абоссийларнинг жосуслари ва разведқасидан яшириш ҳаракатида эди. Аммо абоссийлар мўгуллар қўшини Богдодга етиб келишига бир неча километр қолганидагина бундан хабар топишди;

– учинчи қўшин Европага жўнатилган ва Анатолияга (Туркия шимолида) жойлашган қўшинлардан иборат эди. Ушбу қўшинни мўгулларнинг машҳур сарқардаси Нўён Байжо бошқарар ва уларнинг мақсади Богдодга шимол томондан келиб қамал қилиш эди. Бу

билан Богдод хар томондан тўлик камалда колиши керак бўлган. Аммо ушбу кўшин олдида бир неча мушкул масалалар турган. Биринчиси, бу кўшин Богдодга мўгулларнинг бошка кўшинлар бир бир хил вақтда етиб келиши керак бўлган, вахоланки, у даврда чопарлардан бошка ҳеч қандай алоқа воситалари бўлмаган. Агар кўшин Хулаго кўшинидан олдин келса аббосийлар кўшини билан тўкнашиши, агар кечикиб келса, Хулаго ҳам худди шундай вазиятга тушиб колиши эҳтимоли бор эди. Аммо Байжонинг тўгри ҳисоб-китоблари туфайли кўшин манзилга аниқ вақтда етиб борган. Иккинчидан, учинчи кўшин бошка кўшинларга караганда кўпроқ масофани кесиб ўтиши керак бўлиб, булар Туркия худудидан 500 км, кейин Ирок худудидан яна 500 км нарида бўлган. Бу худудлар эса мусулмонларга карашли эди. Яъни ушбу кўшин мусулмонларнинг еридан 1000 км йўлни босиб ўтиши керак бўлган, бу эса маълум бир хавф-хатарни ўз ичига олган. Аммо ушбу йўл улар учун ҳеч қандай хатар етказмади. 95 фоиз йўлни босиб ўтгунча Байжо кўшини хақида аббосийларнинг хабари бўлмаган ва Богдодга 50 км қолганда Байжо уларнинг олдида тўсатдан пайдо бўлган. Хулагони ҳам аббосийлар Богдодга бир кунлик йўл қолгандагина билиб қолишади. Хулаго хақида аббосийлар ҳеч қандай хабар олишмаганини тушунса бўлади, чунки Хулаго кўшини асосан мўгулларга карашли бўлган тоғли худудлардан келган. Аммо Байжонинг Богдодга шунчалик яқин келгунча билишмаганини қандай тушуниш мумкин? Буларга бир неча сабаблар бўлган. Биринчиси, ушбу худудларда аббосийларнинг разведкаси бўлмаган, бундан ташқари, аббосийлар кўшини қандай қилиб уруш олиб боришни билмаган, кўмондонлиги оз бўлса ҳам тажрибага эга бўлмаган. Иккинчидан, бунда Анатолия ва Мосул мусулмон ҳукмдорларининг хоинлиги жуда катта роль ўйнаган. Ушбу хоинлик мўгулларга Богдодгача бўлган барча эшикларни очган. Шу сабабли Байжо ушбу худудларни сайрга чикқандек осонликча кесиб ўтган. Ўзига эътиборни тортмаслик учун мўгулларнинг одатига қарамай, Байжо йўлида ҳеч ким билан тўкнашиб жанг қилмаган, улар эса ўз томонидан уларга ҳеч қандай қаршилиқ қилишмаган. Шунингдек, Байжонинг қасос олишидан қўрқиб ҳеч ким аббосийларга хабар бермаган. Анатолия ҳукмдорлари Қайковус ИИва Қилич Арслон ИВ томонидан содир этилган хоинлик бутун ислом олами олдида жуда катта жиноят эди. Аммо Мосул ҳукмдори Бадриддин Лулунинг хоинлиги ҳаммасидан ҳам оғир эди. Бадриддин Лулу нафакат мўгулларни ўз ерларидан тўсиксиз ўтишига имконият яратиб берган, балки уларга халифалиқдан «Ирокни озод қилиш» учун харбий гуруҳ ҳам қўшиб жўнатган. Бадриддин Лулу ўшанда 80 ёш, бошка манбаларда 100 ёшда эди деб ҳам айтилган, ўзининг шундай улуг ёшига қарамасдан ушбу инсон оғир жиноятни содир этган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўша воқеалардан бир неча ой ўтгач у вафот этган.

Шу вақтда Богдодда... Ўша даврда Богдод дунёнинг энг мустаҳкам шаҳри бўлиб, унинг химоя деворлари махв этиб бўлмас деб ҳисобланган. Бунинг ажабланишли жойи йўқ, чунки Богдод беш асрдан буён мусулмон халифалигининг пойтахти бўлиб, уни мустаҳкамлаш ва химоялаш учун жуда катта маблағ ва меҳнат сарфланган эди. Жажла дарёси бўйидаги Буюк Богдод Ислом оламининг тўлақонли маркази ва Шаҳарлар онаси эди. Макка мусулмонларнинг муқаддас шаҳри бўлган, лекин халифалиқнинг асосий шаҳарларидан жуда узокликда жойлашагани туфайли сиёсий ва иқтисодий марказ бўла олмас эди. Ислом пайдо бўлишидан атиги бир асир ўтгач мусулмон дунёсига аббосийлар

хукмдорлик кила бошлайди ва аббосийларнинг иккинчи халифаси томонидан 762 йил Богдодга асос солинади.

Бирок ушбу гўзаллик ва химоя воситалари етарли бўлмади, уларни химоя килиш учун хакикий мард эркаклар керак эди. Афсуски, Богдодда бундай эркаклар жуда озчилик эди.

Санжар Кобил таржимаси